

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВА АЗИЗА АНВАРОВНА

**ИНГЛИЗ ШАХСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЛИНГВОДИСКУРСИДА
КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРАЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 8:81:81-2:81.26

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract of a Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

Файзиева Азиза Анваровна

Инглиз шахсий ривожланиш лингводискурсида концептуал метафораларнинг
ўзбек тилига таржимаси..... 3

Файзиева Азиза Анваровна

Перевод на узбекский язык концептуальных метафор английского
лингводискурса личностного развития 25

Fayziyeva Aziza Anvarovna

Translation of conceptual metaphors of the English linguistic discourse of self-
improvement into Uzbek 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 51

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВА АЗИЗА АНВАРОВНА

**ИНГЛИЗ ШАХСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЛИНГВОДИСКУРСИДА
КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРАЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/Fil2786 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Қосимова Нафиса Фарҳодовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Аҳмедов Ойбек Сапарбоевич
филология фанлари доктори, профессор

Тоирова Наргиза Исаковна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «09» Децбар соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14, факс: (0 365) 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (256 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «26» декабр да тарқатилди.
(2022 йил «26» декабр даги 22-34 рақамли реестр баённомаси.)



Д.С.Ўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

З.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб когнитив лингвистика алоҳида соҳа сифатида шаклланиб, ушбу йўналишдаги илмий изланишлар янги босқичга кўтарилди. Мазкур жараёнда оламнинг лисоний, миллий ҳамда концептуал манзарасини яратишда метафоризация ҳодисасининг ўрни, хусусан, инсоннинг борлиқни англаш ва тушуниш жараёнларида концептуал метафораларнинг бевосита иштироки юзасидан тадқиқотлар кенг қўламда амалга оширилди. Бунда концептуал хусусиятли метафораларнинг шартланишида когнитив хариталаш ҳодисасининг амалга ошишини лингвистик жиҳатдан илмий баҳолаш лисоний қонуниятларни тизимли ёндашув асосида идрок қилиш, таржима майдонларида қиймат назариясини татбиқ этиш имконини беради.

Дунё тилшунослигида инглиз тили лексикони, жумладан, концептуал метафораларнинг келиб чиқиш негизлари, таркибий-мазмуний шартланиши, қўлланиш қўламини бошқа тиллар билан қиёсда ўрганишга бағишланаётган тадқиқотлар салмоғи ортиб бормоқда. Бунинг мантиқий натижаси сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги концептуаллашган метафора универсалияларининг лексик-семантик, миллий-маданий, илмий-оммабоп, матн кенглигида – психолингвистик, прагматик, социолингвистик хусусиятларини чоғиштириш, турли тизимли тиллар доирасида концептуал метафораларнинг умумий ва дифференциал, мотивацион жиҳатларини изоҳлаш каби устувор йўналишлар шахсий ривожланиш дискурсининг жанрий-тематик потенциалини аниқлашга, миллатлараро коммуникацияни такомиллаштиришга, таржима жараёнида аслият ва ўгирмалараро функционал мутаносиблик, адекватликка эришиш қонуниятларини белгилашга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг бугунги кундаги жадал ривожланиш босқичида “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”лиги¹ тилшунослик олдида ҳам фундаментал тадқиқотларни жаҳон андозалари даражасида юксалтиришдек устувор вазифани қўйди. Бу борада ўзбек ва инглиз тилларидаги когнитив метафораларнинг лисон ва нутқдаги ўрнини, лингвистик, психолингвистик жиҳатдан мотивлашиш асосларини очиш, лексикографик манбаларини яратиш, турли матнларда қўлланиши билан боғлиқ лисоний белгиларини ёритишга оид тадқиқотлар инглиз шахсий ривожланиш лингводискурси тилининг хусусиятларини аниқлаш баробарида миллий-лисоний белгиларини билиб олишга кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271 “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. – № 258 (6952).

мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзунинг умумий методологик асосини антик даврдан бугунга қадар ўрганилиб келаётган метафорологик таълимотлар ташкил этади. Хусусан, Аристотел, Ж.Миллер, Х.Ортега-и-Гассет, М.Блэр, Н.Арутюнова, М.Джонсон, Ж.Лакофф, Ф.Анкерсмит, М.Рапп, А.Овелак, М.Мюллер, А.Лурия, Н.Жинкин, С.Кацнельсон, Р.Лангакр, Н.Хомский, Л.Тэлми, У.Крофт, Л.Лузина, Я.Парандовский, А.Чудинов, А.Баранов, Г.Скляревская, О.Лагута²; ўзбек тилшунослигида М.Миртожиев, М.Мукаррамов, С.Усмонов, А.Ҳожиёв, Ш.Раҳматуллаев, Э.Бегматов, Н.Маҳмудов, С.Каримов, Р.Қўнғуров, А.Шомақсудов, Д.Худайберганова³ ва бошқа олимларнинг назарий қарашлари шулар жумласидан.

² Потебня А.А. Слово и миф. – М.: Правда, 1989.; Маслова В.А. Лингвокультурология /Учеб. пособие. – М.: Академия, 2001.; Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990.; Lakoff G. Metaphors we live by / George Lakoff and Mark Johnson. p. cm. Originally published: Chicago: University of Chicago Press, 1980.; Чудинов А.П. Теория метафорического моделирования на современном этапе развития / А.П. Чудинов // Лингвистика: Бюллетень Уральского лингвистического общества. – Екатеринбург, 2000 Т.5.; Баранов А.Н. Семантика «Атомистическая» и когнитивная. Пятая международная конференция по когнитивной науке. Тезисы докладов. – Калининград, 2012. Том 1. – 230 с.; Свирепю О. А. Метафора как код культуры: Автореферат дисс. кан. философских наук. – Ростов-на-Дону, 2002.; Скляревская Г.Н. Метафора в системе языка. – Санкт-Петербург: Наука, 1993.; Лагута О. Н. Метафорология: теоретические аспекты / Новосибир. гос. ун-т. – Новосибирск, 2003. Ч. 1. 114 с.; Парандовский Ян Алхимия слова. [http://: royallib.ru](http://royallib.ru); Ankersmit F.R. History and tropology: The rise and fall of methaphor. University of California Press. Berkeley Los Angeles. London; Анкерсмит Ф. Р. История и тропология: взлет и падение метафоры. – М.: Прогресс-Традиция, 2003. – 496 с.; Black M. Models and metaphors: Studies in language and philosophy. – Ithaca, 1962. – P. 5.; Лурия А.Р. Основные проблемы нейролингвистики. – М.: Директ-Медиа, 2008. – 547 с.; Малинка А.В., Нагель О.В. Лексическая номинация: ономазиологический и когнитивный подходы. Лексическая номинация. – С. 45.

³ Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 267 б.; Миртожиев М. Лингвистик метафоралар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973.; Муродий Т. Истиора // Ўзбек тили ва адабиёти. –6-сон. 1972.; Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2010. – 286 б.; Мукаррамов М. Метафора ясовчи ўхшатиш воситаларининг маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. 2-сон. – 51–53 б.; Бегматов Э., Турсунпўлатов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. – Тошкент, 1992.; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент, 1992.; Тоҳиров З. Метафора лексема-семемасининг прагматик семаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – № 1. – Б.74-77.; Усмонов С. Метафора //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. 4-сон. – 36 б.; Аликулов Т. Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. 6-сон. – 42 б.; Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. –316 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг

Шахсий ривожланиш адабиётларининг жанр хусусиятлари, коммуникатив йўналтирганлиги масалалари Л.Коай, С.Долби, Ж.Стайн, Д.Уилсон⁴ тадқиқотларида ёритилган.

Бадиий дискурс антропоцентрик концептуал метафоралари таржимасининг лингвокогнитив аспекти, метафорик қолиплар ва уларнинг концептуал таржимасида трансформация ҳодисаларига доир илмий-назарий фикрлар Я.Евстафова, И.Плотников, Н.У.Маругина, А.С.Бабасева⁵ каби олимларнинг изланишларида қайд этилган. Бироқ инглиз шахсий ривожланиш дискурсида воқеланган концептуал метафораларнинг ўзбек тилига таржимаси масалалари, таржима механизмлари, усуллари ва стратегияларига доир яхлит илмий тадқиқот деярли мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университетининг 2021-2024 йилларга мўлжалланган “Таржимашунослик ва тил таълими” мавзуидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз шахсий ривожланиш лингводискурсида қўлланган концептуал метафораларнинг ўзбек тилига таржима қилиш усуллари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дискурснинг антропоцентрик ва контекстуал жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда инглиз лингвомаданиятида шахсий ривожланиш дискурсининг

этимологик луғати. 2- жилд. – Тошкент: Университет, 2003. – 15 б.; Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2017. – 168 б.; Маҳмудов Н. Термин, образли сўз ва метафора // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. 4-сон. – Б.3-6.; Мадвалиев А., Шамсиддинов Х. Лексик-семантик усул билан термин ясалишига доир // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари//I Республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан. – Б. 105-107.; Мадвалиев А. Изохли луғатларда халқаро термин элементли сўз ва терминларга муносабат масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 2-сон. – Б. 38-43.; Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976.; Каримов С.А. Бадиий услуб ва тилининг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд, 1994.; Шамсиддинов Х. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол. фан. док-ри дисс. автореф. – Тошкент, 1999.; Ҳайитова Ф. ва б. Ўзбек тилида метафора ҳодисасининг айрим томонлари / Туркий тиллар тараққиёти муаммолари. Илмий асарлар тўплами. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 85-90.; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: Филол. фан. док-ри дисс. автореф. – Тошкент, 1999.; Шомаксудов А. Ўзбек тили стилистикаси. –Тошкент, 1974.; Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси.– Тошкент: Фан, 1981.; Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент, 1983.; Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Нутқ маданияти асослари, I, II, III қисм. – Самарқанд, 1985, 1986, 1987.; Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари. – Самарқанд, 1985.; Юлдашев А. Идиоматик кўшма сўзларнинг лингвокогнитив тадқиқи. Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2016 ва б.

⁴ Koay D. L. Self-improvement books: A genre analysis. 2015.; Dolby S. K. Self-help books: Why Americans keep reading them. –Illinois: University of Illinois Press, 2005.; Stine J. M. Writing successful self-help and how-to books. –New York: John Wiley & Sons, Inc., 1997.; Wilson D. M., Cash T. F. Who reads self-help books?: Development and validation of the Self-Help Reading Attitudes Survey. Personality and Individual Differences, 29(1), 2000.

⁵ Евстафова Я. Лингвокогнитивные аспекты перевода антропоцентрических концептуальных метафорических моделей. на материале английской художественной литературы конца XIX - начала XX века: Дис...канд. филол. наук. – Челябинск, 2011. – 179 с.; Плотников И.В. Метафорические модели и их переводческие трансформации в художественном тексте: лингвокогнитивный аспект: Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. –Екатеринбург, 2018. – 277с.: Бабасева А.С. Способы перевода концептуальных метафор на материале публичных выступлений американских политиков. Язык: категории, функции, речевое действие 2018. – С.12-15.

хусусиятларини очиб бериш;

шахсий ривожланиш дискурсининг функционал-коммуникатив параметрлари, ушбу дискурс доирасида муаллиф-ўқувчи муносабатларида муваффақиятли коммуникацияни шартлантирувчи омилларни аниқлаш;

матний тузилманинг дискурсив маркерлари, шахсий ривожланиш лингводискурсидаги директивлар, буйруқ-истак майли, сўроқ гапларнинг дискурс хосланишидаги аҳамиятини кўрсатиш;

метафораларнинг концептуал табиати, уларнинг контекстуал шартланиши, концептуал метафораларнинг шахсий ривожланиш дискурсини яратишдаги ролини изоҳлаш;

шахсий ривожланиш дискурси транслотологик майдонида метафораларнинг воқеланиши, инглиз тилидан ўзбек тилига ўгирмаларда концептуал метафораларнинг классификациясини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз тилида яратилган шахсий ривожланишга доир асарлар ва уларнинг ўзбек тилига бевосита таржималари танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз шахсий ривожланиш лингводискурси концептуал метафораларини ўзбек тилига таржима қилиш усуллари, механизмлари, стратегиялари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий, концептуал, лингвомаданий, контекстуал-ситуатив, лингвопрагматик, таснифлаш каби таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

инглиз лингвомаданиятида вужудга келган шахсий ривожланиш лингводискурсининг жанр хусусиятлари, контекстуал воқеланиши, лингвистик ҳамда регистр таҳлилида шахс олмошларининг қўлланиши, уларнинг грамматик ўрни, валентлик хусусияти, бирга келувчи коллокациялари, модаллиги антропоцентрик парадигма доирасида шартланиши исботланган;

концептуал метафораларнинг структур, онтологик, ориентацион таснифи бўйича шахсий ривожланиш дискурсида аниқланган миллий-метафорик тематикаси, коммуникатив функциялари социал мақсаднинг концептуаллашувида намоён бўлиши асосланган;

метафорик моделларнинг воқеланиши инсон онгининг когнитив жараёнларида жисмоний, руҳий, ҳиссий, ижтимоий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда интуитив тарзда амалга ошириши, бир концепт ўзига тегишли турли тушунчавий гуруҳлар билан бошқа концептга когнитив хариталаш орқали кўчиши далилланган;

концептуал метафора таржимасида рамзлаштириш ва концепциялаш жараёнининг устуворлиги, метафоранинг психологик, ижтимоий-маданий ва лингвистик жиҳатларининг иккиламчи характерга эканлиги улар адекват таржима қилинишининг прагматик, контекстуал негизларини ташкил қилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шахсий ривожланиш дискурсининг миллий идеологик қарашлар асосида

яратилиши, миллий-лисоний, номинацион-мотивацион, услубий хусусиятлари мазкур дискурсининг миллат тили, маданияти, миллий менталитети, дунёқараши, руҳияти, эътиқодий тушунчалари, тафаккур тарзи билан чамбарчас боғлиқлиги исботланган;

концептуал метафораларнинг тафаккур бирлиги сифатидаги хусусиятлари жаҳон тилшунослигининг энг сўнгги ютуқлари асосида аниқланган;

инглиз ва ўзбек концептуал метафоралари бўйича тўпланган материаллар, умумлашма ва хулосалар ҳозирги қиёсий тилшунослигимиз учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, «Лексикология», «Матн лингвистикаси», «Стилистика», «Замонавий тилшунослик», «Қиёсий тилшунослик» каби фанлардан яратилажак янги дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий, концептуал, лингвомаданий, контекстуал-ситуатив, лингвопрагматик, таснифлаш каби усуллар билан асосланганлиги, назарий ғоялар ва маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги ҳамда натижалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шахсий ривожланиш дискурсининг тематик, жанрий, матний, лингвистик хусусиятлари, мазкур дискурда қўлланиладиган концептуал метафоралар таснифи ҳамда улар таржимаси параметрлари хусусиятлари бўйича чиқарилган илмий-назарий хулосалардан ҳар бир тил тизимидаги турли концептуал-когнитив белгиларини чоғиштирма аниқлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ва ўрта махсус, умумтаълим тизимида тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш, бадий матн таҳлилига эришиш, адабий манбаларнинг қиёсий тил таҳлили бўйича махсус курс ва семинарлар ўтиш, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Инглиз тили” фанларининг лексикология, семасиология, лексикография қисмлари ва “Психоллингвистика”, “Этнолингвистика”, “Замонавий тилшунослик”, “Таржима назарияси” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида хорижий тилларни ўрганишга ташвиқни кучайтириш учун хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз шахсий ривожланиш лингводискурсида концептуал метафораларнинг ўзбек тилига таржимаси тадқиқини амалга ошириш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

инглиз лингвомаданиятида вужудга келган шахсий ривожланиш лингводискурсининг жанр хусусиятлари, контекстуал воқеланиши, лингвистик ҳамда регистр таҳлилида шахс олмошларининг қўлланиши, уларнинг грамматик ўрни, валентлик хусусияти, бирга келувчи

коллокациялари, модаллиги антропоцентрик парадигма доирасида шартланиши билан боғлиқ хулосалардан Навоий давлат педагогика институтида Ф1-ХТ-0-19919 рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги тутган ўрни” мавзусида фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Навоий давлат педагогика институтининг 2022 йил 24 июндаги 88-87-2383/04-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳада назарда тутилган шахсий ривожланишга оид адабиётларнинг миллат тафаккурини шакллантиришдаги ролини илмий асослашга хизмат қилган;

концептуал метафораларнинг структур, онтологик, ориентацион таснифи бўйича шахсий ривожланиш дискурсида аниқланган миллий-метафорик тематикаси, коммуникатив функциялари социал мақсаднинг концептуаллашувида намоён бўлиши ҳақидаги хулосалардан Бухоро давлат университетида Европа Комиссиясининг Эрасмус+ дастури доирасида амалга оширилаётган “TALENT – Establishing Master Programmes in Human Resource Management and Talent Development in Central Asia” мавзусидаги халқаро лойиҳада фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 28 июндаги № 05-01-0966-сон маълумотномаси). Натижада инглиз тилида ишлаб чиқилган тарғибот материалларини жорий этишнинг илмий-амалий аҳамияти исботланган ва матнларнинг лексик, семантик қатламидаги лексемаларнинг лингвопрагматик хусусиятларини тил ўзлаштириш асоси сифатида талқин этишга имкон берган;

концептуал метафора таржимасида рамзлаштириш ва концепциялаш жараёнининг устуворлиги, метафоранинг психологик, ижтимоий-маданий ва лингвистик жиҳатларининг иккиламчи характерга эканлиги улар адекват таржима қилинишининг прагматик, контекстуал негизларини ташкил қилишига доир хулосалардан “Бухоро” телеканалининг “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” телекўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 28 июндаги 1/164-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллаштирилиб, илмий далилларга бой бўлишига эришилган ва кўрсатувнинг илмий-оммабоплиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та республика, 4 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, улардан 5 таси ОАК рўйхатидаги республика журналларида ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Дискурсада жанр воқеланишининг фундаментал шартлари”** деб номланиб, уч фаслдан таркиб топган. Ушбу фаслларда дискурс таърифлари, шахсий ривожланиш дискурсининг коммуникатив, прагматик хусусиятлари, шунингдек, метафора тушунчасига эътибор қаратилган.

Замонавий тилшуносликда дискурс тушунчаси кўплаб илмий тадқиқотларда ўрганилиб, ҳаттоки “тил” атамасидан ҳам кўра кенгроқ тадқиқ қилинган. М.Л.Макаров дискурсага категория сифатида баҳо бериб, уни шундай изоҳлайди: “дискурс категорияси коммуникатив тилшунослик ҳамда замонавий ижтимоий фанларнинг асосий категориялардан бири бўлгани сабаб, уни ўрганиш фақат биринчи ёки иккинчи бўғинда урғу келиши ҳақидаги талаффузга оид баҳслар ва турли илмий таҳлиллардан эмас, балки тушунчанинг мазмунига аниқлик киритишдан ҳам иборат бўлиши керак”.

Дискурс ва матн атамаларнинг таърифлари ва чегараларини аниқлашнинг қийинчиликлари хусусида Г.Н.Макаров, Л.А.Манерко, В.В.Красних, В.И.Карасик, Ю.Е.Прохоров, Ш.Сафаров каби олимлар ўз тадқиқотларида таъкидлашган. Г.Н.Макаров таъбирича, дискурс атамасига маълум бир тадқиқотчи томонидан бериладиган таъриф маълум маънодаги ғоявий йўналишни, лингвистик мулоқотни ўрганишда ўша олимнинг нуқтаи назарини билдиради⁶.

Юқорида тилга олганимиз “дискурс” ҳамда “матн” атамаларининг тилшуносликда чоғиштирма тадқиқотлари сўнгги йилларда кенг кўламда тадқиқ қилинди. Л.А.Манерко фикрича, тил бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар “матн” атамасидан “дискурс” атамасини қўллашни афзал билмоқда, бунда тадқиқотлар диққат марказининг статик нуқтаи назардан тилнинг динамик концепциясига ўтиши билан боғлиқ. Когнитив-коммуникатив парадигма нуқтаи назаридан олиб қараганда, мазкур икки атама когнитив фаолият ва унинг натижаси ўртасидаги қарама-қаршилик сифатида қаралади. Бунда дискурс ҳақиқий нутқ ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган когнитив жараён сифатида талқин этилади. Матн эса маълум бир тугалланган ва турғун шаклга эга нутқ фаолияти жараёнининг якуний натижасидир. Бошқача қилиб айтганда, “дискурс” атамаси лингвистик алоқанинг динамик табиатини ифодаласа, матн, асосан, статик объект сифатида тасаввур қилинади. Дискурс атамасига мурожаат қилган

⁶ Макаров М.Л. Основы теории дискурса / М.Л. Макаров. – М.: Гнозис, 2003. – С. 58-85.

тадқиқотчи мулоқот вазияти, коммуникантларнинг роли, мулоқот мақсади, нутқ актининг прагматик ва коммуникатив самарадорлиги омилларини ҳисобга олади⁷. Е.С.Кубрякова фикрича, “матн” ва “дискурс” атамалари узоқ вақт мобайнида синоним атамалар сифатида қўлланилиб келинди. Бироқ нутқий фаолиятга айнан фаолият сифатида баҳо берувчи тилларнинг динамик модели назариясининг кенг оммалашуви билан ушбу нутқий фаолиятнинг фақат лисоний эмас, балки барча кирраларини ўзида акс эттирувчи ягона атамага эҳтиёж туғилди ва “дискурс” айнан шундай хусусияти мавжуд атама эди. Е.С.Кубрякова дискурсни куйидаги хусусиятларини келтириб ўтади: матндан фарқли ўлароқ дискурсни унинг яратилиш шартларидан ташқарида кўриб бўлмайди; у тилни маълум мақсадда ва мулоқот факторларини ҳисобга олган ҳолда ишлатишни тақозо этади.

М.Стаббс фикрича, дискурсни асосий уч хусусияти мавжуд: 1) расман олиб қараганда, дискурс бу гапдан каттароқ тил бирлиги; 2) мазмун жиҳатдан дискурс тилни ижтимоий контекстда қўллаш билан боғлиқ ҳодиса; 3) тузилишига кўра, дискурс интерактив хусусиятга эга, яъни диалогик табиати мавжуд⁸.

Шахсий ривожланиш дискурси ҳақида гап кетганда, ушбу дискурсни ўзига хос хусусиятлари унинг пайдо бўлиш тарихи ва тараққиётига бевосита боғлиқлигини кўриш мумкин.

Шахсий ривожланиш (self-improvement, ўз-ўзини такомиллаштириш) Америка оммавий адабиётида муҳим жанр бўлиб, бу адабий ҳодиса Америка Кўшма Штатлари тарихи, маданияти ва мафқураси билан чамбарчас боғлиқ⁹. “Self-improvement” атамасига *Oxford languages* луғатида “ўзини ривожлантириш\такомиллаштириш бу инсоннинг билимини, мавқеини ёки характерини ўз ҳаракатлари билан яхшилаш” деган таъриф берилган бўлиб, қисқача қилиб айтганда шу жанрга оид китобларни шахсий ўсишга ёрдам берадиган китоблар деб аташ ҳам мумкин.

Д.Уилсон ва Т.Кеш тадқиқотларига кўра, миллионлаб америкаликлар шахсий ва ўзгалар билан бўладиган муносабатлардаги муаммоларни ҳал қилишда шахсий ривожланиш китобларнинг психологияга оид туридан маслаҳат манбаи сифатида фойдаланишади¹⁰. С.Долби ўзининг “Self-Help Books: Why Americans Keep Reading them” (Шахсий ривожланиш китоблари: Нега америкаликлар бу китобларни доимий ўқишади?) номли асарида кўплаб америкаликлар ҳаётини билимларини ошириш ва тўлақонли бахтли ҳаёт кечириш учун манба сифатида шахсни ривожлантирувчи китобларни

⁷ Манерко Л.А. Истоки и основания когнитивно-коммуникативного терминоведения / Л.А. Манерко // Лексикология. Терминоведение. Стилистика : сб. науч. тр. / под ред. В.Ф. Новодранова. – Рязань, 2003. – С. 120-126.

⁸ Карасик В.И. Языковой круг : личность, концепты, дискурс / И.Карасик. – М. : Гнозис, 2004. – С 229.

⁹ Coyle K., Grodin D. Self-help books and the construction of reading: Readers and reading in textual representation. *Text & Performance Quarterly*, 13(1), 1993. – P.61.

¹⁰ Wilson D. M., Cash T. F. Who reads self-help books?: Development and validation of the Self-Help Reading Attitudes Survey. *Personality and Individual Differences*, 29(1), 2000. – P.120.

ўқишларини айтиб ўтади¹¹. Ушбу жанрдаги китоблар нафақат АҚШда, балки Ғарбий Европа, Австралия, Африка ва Осиё минтақасида ҳам феноменал тарзда оммалашди. Стайннинг фикрича, одамлар доимо шахсий муаммоларни ҳал қилиш ёки ақлий, жисмоний, ижтимоий ва касбий кўникмаларини ривожлантириш йўлларини излайдилар, натижада шахсий ривожланишга оид китобларга доимий талаб пайдо бўлади¹².

Ушбу китобларда ташвиш, стресс, депрессия, тўғри овқатланиш, жисмоний саломатлик, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, тана гўзаллиги, гиёҳвандликдан қутилиш, маънавий ривожланиш ва муносабатлар мавзулари кўтарилган бўлиб, ушбу субжанрларнинг табиати терапевтик хусусиятда бўлиб, асосий мақсади ҳаёт сифатини яхшилашдир.

Л.Вудсток фикрича, ўз-ўзини такомиллаштириш китобларининг умумий мавзуларига ўз-ўзини кашф қилиш, ички кучни топиш, қийинчиликларни енгиб ўтиш ва ҳаётни тўлақонли яшаш киради ва деярли барча ўз-ўзини такомиллаштириш китоблари ўқувчига етказадиган умумий хабар: сиз ўзингизни ижобий томонга такомиллаштиришингиз мумкин. Соҳа тадқиқотчиларидан бўлмиш С.Филипп депрессия бўйича ўз-ўзига ёрдам адабиётидаги ўзига хос масала бахтли, соғлом ва самарали ҳаёт кечирishi эканини таъкидлайди.

Тилшуносликда метафоралар тадқиқига бўлган муносабат фалсафий таҳлиллардан фарқ қилиб, тадқиқот жараёнида айнан метафоралашган сўзнинг грамматик, семантик, лексик ва стилистик хусусиятлари ўрганилган. Замонавий тилшуносликда эса метафоранинг тафаккур билан боғлиқ хусусиятлари эътибор марказига қўйилди. Тил ва тафаккур масалалари инсон онгида янги ғоялар шаклланиш механизмини аниқлашдаги бош омилдир. Замонавий тилшунослик нуқтаи назарига кўра, метафора ана шундай механизмлардан биридир. Натижада замонавий тилшуносликда янги “концептуал метафора” тушунчаси вужудга келди. Тилшуносликда “концептуал метафоралар” алоҳида тушунча сифатида дастлаб америкалик олимлар Ж.Лакофф ва М.Жонсонлар тадқиқотида ўз аксини топган. Унда таъкидланишича, инсон нутқида метафораларнинг тез-тез учраб туриши мазкур феноменнинг маълум бир тизим асосида ўрганилиши кераклигини тақозо этади. Шунинг учун олимлар маълум бир маъновий гуруҳга хос бўлган метафораларни алоҳида гуруҳлаб, уларни “метафорик концептлар” ёки “концептуал метафоралар” деб аташади. Мисоллар таҳлили ушбу тушунчанинг моҳиятини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Жумладан, “баҳс”, “вақт”, “севги”, “илм” ва “бахт” каби концептларнинг инсон тафаккурида қандай маълумотлар манбаи асосида шаклланиши айнан метафоризация жараёнига боғлиқ, яъни ушбу тушунчалар моҳиятини очишда бошқа бир тушунча доирасига хос бўлган сўзлардан фойдаланилади ва натижада икки хил маъновий гуруҳ сўзларини умумийлаштира олган янги моҳият шаклланади. Натижада тил ва тафаккур

¹¹ Dolby S. K. Self-helpbooks: Why Americans keep reading them. – Illinois: University of Illinois Press, 2005.

¹² Stine J. M. Writing successful self-help and how-to books. – New York: John Wiley & Sons, Inc. 1997. – P.7.

мезонлари билан боғлиқ баъзи ҳодисаларга аниқлик киритилди. Жумладан, нутқда шаклланивчи товушлар, белги ёки ишоралар, жестлар, хусусан, сўзларнинг вужудга келиши айнан метафоризация орқали содир бўлади. Шунинг учун ҳам америкалик олимлар Жорж Лакофф ва Марк Жонсон ҳар бир тушунчанинг шаклланиш асосида метафоризация жараёни борлигини таъкидлашади¹³.

Концептуал метафоралар уч тоифаси классификация қилинган, улар – (а) структуравий, (б) ориентацион ҳамда (в) онтологик.

Структуравий метафоралар бир концептни иккинчи бир концепт доирасида англаш, хусусан, TIME IS MONEY (ВАҚТ – ПУЛ), LIFE IS JOURNEY (ҲАЁТ – САЁҲАТ). Мазкур метафора турини Ж.Лакофф ва М.Жонсон одатий метафоралар деб ҳам аташади. Бунда мавҳум тушунча аниқ, моддий хусусиятга эга бошқа тушунча орқали англашилади. Хусусан, вақт тушунчаси абстракт бўлгани ҳолда, унинг қиймати инсон учун ўзига аниқ бўлган пул тушунчаси ёрдамида тавсифланади, тушунилади ва тушунтирилади. Бу концептуал метафора нафақат инглиз лингвوماданиятида, балки ўзбек кишиси онгида ҳам мавжуд метафорик моделдир. Вақтинг кетди, нақдинг кетди мақоли ўзбек халқи орасида кенг тарқалган.

Структуравий метафора айрим ҳолларда икки мавҳум тушунчанинг ўхшатилишидан ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Бунда манба соҳа нишон соҳадан кўра аниқроқ ёки бирмунча моддийлик акс этган бўлади. Юқоридаги *ҲАЁТ - САЁҲАТ* концептуал метафорасида умр ҳам, саёҳат ҳам абстракт тушунчалардир, лекин саёҳат моддий кўринишдаги тушунчалар билан боғлиқлиги сабаб инсон онгида аниқроқ тасаввур уйғота олади. Зеро, саёҳат тушунчаси инсон тасаввурида йўл, чорраҳа, бурилиш каби аниқ ҳодисалар билан ассоциацияланади.

“Life is not always perfect. Like a road, it has many bends, ups, and downs, but that’s its beauty.” — Amit Ray (муаллиф таржимаси: Ҳаёт ҳар доим ҳам мукамал эмас. Худди йўлга ўхшаб, унда ҳам бурилишлар, баланд-пастиликлар бўлса-да, унинг ўзгача чиройи бор.)

Мисолдан кўринадики, ҳаётнинг йўл, бурилишлар, саёҳат қилиш каби тушунчалар билан келиши унинг саёҳат концепти билан бир тизимда тушунилишидан дарак беради. Худди шу ҳолатни ўзбек тилида ҳам учратишимиз мумкин:

Ҳа, умр чиндан ҳам йўл, бизлар эса – йўловчи. Бир қарасанг, бу йўлнинг адоғи йўқдай – отда чопсанг ҳам, қуш бўлиб учсанг ҳам, охири кўринмайди. Бир қарасанг, йўлга отланишингга арзимайдиган масофа. (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасидан)

Умр – йўл, қайрилиш кўп, учрашиш, айрилиш кўп. (Омон Матжон)

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, ўзбек концептуал оламида ҳам умр саёҳат/йўлга қиёсланади. Бу йўлда инсонлар йўловчилардир, улар

¹³ Lakoff G. *Metaphors We Live By* / George Lakoff and Mark Johnson. Originally published: – Chicago: University of Chicago Press, 1980.

маълум манзилларга боришади. Инглиз ва ўзбек тилидаги мазкур концептуал метафорада мақсад (нишон) ва манба соҳаларда тўла мослик кўзга ташланади.

Ориентацион метафоралар концептда ифодаланган тушунчанинг фазовий ёки йўналишга эга хусусияти мавжуд. HAPPINESS IS UP, SAD IS DOWN метафорасида бахт тепада, хафалик эса пастда маъноси англашилади. Мазкур концептуал метафора инглиз тилида *in seventh heaven, to be on cloud nine, to jump for joy, flying high, walking /floating on air* каби бирикмаларда ифодаланса, ўзбек тилида *боши осмонда, боши кўкка етди* мисолларида ориентацион метафораларни учратиш мумкин.

Онтологик метафораларда фаолият, ҳис-туйғу ёки ғоя каби мавҳум тушунчаларнинг объект, модда, идиш ёки шахс каби конкрет нарса сифатида ифодаланади. IDEAS ARE OBJECTS (ҒОЯЛАР/ФИКРЛАР – ОБЪЕКТЛАР)

Sally gave the idea to Sam. Бу ғояни Сэмга Селли берди

Sally took the idea from Sam. Ғояни Селли Сэмдан олган.

IBM bought the idea from him. IBM ундан ғояни сотиб олди.

Юқоридаги мисолларда ғояни олиш, бериш, сотиб олиш, эга бўлиш каби феъллар орқали унинг абстрактликдан моддийликка когнитив силжиганини кузатиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Шахсий ривожланиш дискурсида концептуал метафораларнинг воқеланиши”** деб номланиб, унда метафорик моделларнинг яралиши ҳамда концептуал метафораларнинг таснифи таҳлил қилинади.

А.П.Чудиновнинг метафорик моделларга берган таърифига кўра, “Метафорик модел – муайян тилда сўзлашувчилар онгида ривожланаётган ва / ёки мавжуд ҳамда маълум бир формула билан ифодаланиши мумкин бўлган концептуал соҳалар ўртасидаги алоқа схемаси: X— бу Y. Мисол учун, ИНСОН –ТАБИАТ, ИНСОН –ҲАЙВОН. Формуланing таркибий қисмлари ўртасидаги муносабат тўғридан-тўғри идентификация сифатида эмас, балки ўхшашлик сифатида тушунилади: X, аслида, Уга ўхшайди, ИНСОН ТАБИАТга ўхшайди¹⁴. Демак, метафорик моделларнинг воқеланиши инсон онгининг когнитив жараёнларида олий ўринни эгаллайди. Ушбу жараён инсоннинг жисмоний, рухий, ҳиссий, ижтимоий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда интуитив тарзда амалга ошади ҳамда бир концепт ўзига тегишли турли тушунчавий гуруҳлари билан бошқа концептга когнитив хариталаш орқали ўтказилади.

Ушбу тадқиқотимиз доирасида шахсий ривожланиш лингводискурси манбаларидан таҳлилга тортилган концептуал метафораларнинг когнитив хусусиятлари, улар шакллантирган метафорик моделлар табиати ишнинг амалий қисмини ташкил этади. Мазкур мисоллар маъновий гуруҳларидан маълум бўлдики, уларнинг аксарияти вақт, инсоннинг ақлий ва ҳаётий фаолияти, ҳиссиётларига оид эканига гувоҳ бўлдик.

¹⁴ Чудинов, А. П. Метафорическая мозаика в современной политической коммуникации. – Екатеринбург: Изд-во УрГПУ, 2003. – 248 с.

Таҳлилга тортилган адабиётларда дуч келинган концептуал метафораларнинг учраш кўлами кўриб чиқилди ҳамда улар маъновий гуруҳига кўра қуйидагича классификация қилинди.

1. Вақт ва ҳаётга оид концептуал метафоралар.
2. Инсоннинг онги ва ақлий фаолиятига доир концептуал метафоралар.
3. Инсоннинг ҳиссиётларига оид концептуал метафоралар.

Вақтга ва ҳаётга оид концептуал метафоралар. Когнитив тилшуносликда вақт концепти тадқиқот объекти сифатида бир неча олимлар ишларида ёритилган. Хусусан, Ж.Лакофф ва М.Жонсоннинг “Metaphors we live by” рисоласида вақт бўйича инглиз тилида мавжуд концептуал метафоралар келтирилган, жумладан, TIME IS MONEY/ ВАҚТ – ПУЛ метафорик моделида вақт пул сифатида қаралишини кўриш мумкин.

Таҳлил учун танланган асарларида юқоридаги метафорик моделнинг воқеланиши кузатилди.

(1) *When you run out of time (a) and the consequences for non-completion of a key task or project can be really serious, you always seem to find the time (б) to get it done, often at the very last minute.* (Eat that frog, P. 36.)

(2) *Jung would rise at seven a.m., Currey reports, and after a big breakfast he would spend two hours of undistracted writing time in his private office.* (Deep work, P. 4.)

Мисоллардан кўринадики, инглиз лисоний оламида вақт тушунчасининг пул тажрибалари орқали тушунилиши шахсий ривожланиш дискурсида ҳам яққол намоён бўлган. Биринчи ва иккинчи мисолларда ишлатилган *spend time* (вақт сарфламоқ), *run out of time* (вақти тугамоқ) ибораларида TIME IS MONEY/ ВАҚТ – ПУЛ метафорик моделининг субшакли TIME IS A LIMITED RESOURCE (ВАҚТ – ЧЕКЛАНГАН РЕСУРС) концептуал метафораси ҳам англашилади. Чунки пулнинг ўзи, энг аввало, чекланган ресурслардан бири саналади.

TIME IS MOTION (ВАҚТ – ҲАРАКАТ) вақтга оид яна бир концептуал метафора бўлиб, ВАҚТ – ПУЛ концептуал метафораси сингари мазкур структуравий концептуал метафоралар қаторига қўшилади. Абстракт тушунчаларни англаш, мулоқотда уларни вербаллаштириш, уларни гуруҳларга ажратиш, миқдорини кўрсатиш учун инсон ўз тажрибасида мавжуд бўлган моддий борлиқдаги нарса ва субстанцияларга мурожаат қилади. Вақт эса инсонлар тез-тез ишлатадиган концепт сифатида турли контекстда фарқли экспериенчал ҳолатларни акс эттиришини инобатга олган ҳолда энг кўп концептуал метафорага эга тушунчалардан бири саналади. Қуйида вақтнинг инсон ҳис қилиши мумкин бўлган ҳаракат эканлигига мисол келтирилган.

Remember, the time is going to pass anyway (Eat that frog, P. 35.)

It's as if I can see time actually passing through that windowpane. (Tuesdays with Morrie, P.25.)

Инглиз лисоний ва концептуал оламида вақт доимий ҳаракатдаги объект ва унинг ҳаракатда экани *to pass* (ўтмоқ) феълининг вақтга нисбатан ишлатилишида англашилади. Иккинчи мисолда асар қаҳрамони вақтнинг

ўтиб кетаётганини дераза ойнасидан худди кўриб тургандек экани келтирилган.

Таъкидлаш керакки, айрим концептуал метафоралар бир-бирига тескари, яъни антоним сифатида мавжудлигини кўриш мумкин.

LIFE IS A JOURNEY (ҲАЁТ – САЁҲАТ) метафорик моделида инсон ҳаёти бир манзилдан бошқа манзилга борадиган саёҳат каби тушунилади. Бунда манба соҳа (source domain) саёҳат бўлиб, айнан саёҳат билан боғлиқ жараёнлар, саёҳат иштирокчилари, мақсади ва бошқа бир қатор мазкур тушунча атрофида айланувчи сўзлар мақсад соҳа (target domain)га ментал узатилади ёки кўчириб ўтилади.

Ҳаётнинг инглиз халқи тафаккуридаги ментал тасвири, ундаги сценарийлар маълум маънода сайёҳатдек шаклланган. Қуйидаги мисолларда бу ўз аксини топганини кўриш мумкин:

Just as I was lost on the road, I was lost in life as well – unsure of exactly where I was going or why I was moving in that direction. (The Café on the Edge of the World, P. 6.)

Мисолда ҳаётнинг айнан саёҳат сингари перцепцияси яққол кўриниб турибди, сабаби *lost in life* (ҳаётда йўқолмоқ), *going* (бораётган), *was moving in that direction* (ўша йўналишда ҳаракатланаётган) каби иборалар саёҳат учун ҳам, ҳаёт учун ҳам бирдек қўлланилиши мумкин. Улар тилда тизимлилик ҳосил қилиб, сўзловчилар онгида уларнинг яшаб турган шароити, улар тегишли бўлган маданият ҳамда тажрибаларни акс эттиради.

Инсонниг онги ва ақлий фаолиятига доир концептуал метафоралар. MIND IS A CONTAINER / АҚЛ (ОНГ) – ИДИШ метафораси узоқ вақтдан буён қўлланилиб келаётган, лисоний онгнинг бир қисмига айланиб улгурган концептуал метафорик моделдир. Афлотун бундан бир неча аср илгари инсон онгини қушхонага ўхшатиб, унда турли қушлар яшаши ва ҳар бир қуш маълум бир маълумотларни сақлаши ҳақида фикр юритган¹⁵. Афлотуннинг мазкур қараши фалсафий табиатга эга бўлса-да, кейинроқ бу қарашлар ғарбда инсон онгининг моддий кўринишда, ичида ёки ташқарисида бошқа нарсаларни сақловчи идиш сифатида таърифланишига асос вазифасини бажарди.

As such, this habit is learnable through practice and repetition, over and over again, until it locks into your subconscious mind and becomes a permanent part of your behavior. (Eat that frog, P. 12.)

Still, in the back of my mind was this feeling I couldn't quite explain. (The Café on the Edge of the World, P. 29.)

Демак, инсон онги одатлар, мақсадлар, ғоялар, ҳаттоки, ҳиссиётларни ўзида сақловчи идиш сингари инглиз лисоний оламининг бир қисми сифатида тизимлашган.

Юқоридаги концептуал метафорага тескари шаклда инсон онгига моддий нарса, идиш кўринишидан ташқари унга инсон ичидаги алоҳида шахс сифатида ҳам қаралади. MIND IS A PERSON / АҚЛ БУ– ИНСОН

¹⁵ <https://www.gutenberg.org/files/1726/1726-h/1726-h.html>

метафорик моделида мазкур қараш жамланган бўлиб, айрим ўринларда ақл ёхуд онг инсондан мустақил тарзда фаолият юритади. Мисол учун, Брайан Трейсининг “Самарадорликнинг 21 йўли” асарида айнан ақлий фаолиятга оид концептуал метафораларнинг аксариятида унинг алоҳида шахс сифатидаги хусусиятлари очиқланади.

(1) *Use the present tense, positive and personal case so that they are immediately accepted by your subconscious mind.* (Eat that Frog, P. 20.)

(2) *When you make out your list the evening or the night before, your subconscious mind works on your list all night long while you sleep.* (Eat that Frog, P.24.)

(3) *There is a part of your mind that loves to be busy working on significant tasks that can really make a difference.* (ўша манба, – P.30.)

Мисолларнинг барчасида инсон онгининг онгости қисми ҳақида сўз боради. Бунда инсоннинг онгости уни бошқариб турувчи шахс сифатида акс эттирилган, яъни мақсадга эришишни ният қилган киши ўша мақсадларни ҳозирги замонда, тасдиқ шаклида ва айнан шахсий ҳаётига доир қилиб ёзиши уларнинг онгости томонидан тезлик билан қабул қилиниши, онгостининг инсон ухлаганда ҳам уйғоқ бўлиши ва вазифалар устида ишлаши, нафақат ишлаши, балки ишлашни ёқтириши каби сифатларнинг берилиши унинг шахс сифатида тафаккурда ва тилда воқеланишининг исботидир.

Фикр ва ғоялар ақлий фаолиятнинг муҳим қисми сифатида тилда метафоралашиб, бир неча концептуал метафораларнинг яратилишига (инглиз тилида) асос бўлган. Масалан, инглиз тилида шаклланган IDEAS (THOUGHTS) ARE CONTAINERS / ҒОЯЛАР (ФИКРЛАР) – ИДИШЛАР) метафорик моделида ғоялар ва фикрлар мия ичидаги алоҳида контейнерлар сифатида тасаввур қилинади.

Casey's return broke me out of my thought. (The Café on the Edge of the World, P.22.)

It seemed like you were deep in thought when I walked over. (The Café on the Edge of the World, P.33.)

Out of, in предлоглари одатда инглиз тилида жой ичида ёки ундан ташқарида каби маъноларда ишлатилади. Шунинг учун юқорида айтилганидек, фикр ва ғояларнинг идиш ҳолатида кўрилиши инглиз тилидаги предлоглар ёрдамида шартланган. Ақлий фаолият ҳам абстракт тушунча бўлгани сабаб, уларни мулоқотда ишлатишда моддий ҳодисаларга оид лисоний тажрибаларимизни ушбу жараёнга ҳам кўчириб ўтказилади, чунки инсоннинг когнитив оламида бундан бошқа тажрибалар мавжуд эмас.

Инсоннинг ҳис туйғуларига оид концептуал метафоралар. Инсон ўз ҳис-туйғуларини сўзлар ёрдамида ифодалаганда, мавҳум тушунчаларни моддийлаштирганидек, ҳиссиётларига ҳам моддий тус бериши таҳлил қилинган метафораларда ўз исботини топди. Хусусан, EMOTIONS ARE FLUIDS / ҲИССИЁТЛАР – СУЮҚЛИК метафорик моделини олсак, бунда инсоннинг ҳиссиётлари худди суюқ модда тарзида англашилишини кўриш мумкин. Масалан,

(1) *“But by throwing yourself into these emotions, by allowing yourself to dive in, all the way, over your head even, you experience them fully and completely.*

(2) *Morrie’s approach was exactly the opposite. Turn on the faucet. Wash yourself with the emotion.* (Tuesdays with Morrie, P. 30-31.)

Мисоллардан кўринадикки, инсон ҳиссиётларга шўнғиб, уларда ўзини ювиши мумкинлиги инглиз тилидаги *throwing yourself into emotions, dive in, wash yourself with the emotion* каби бирикмаларда ўз ифодасини топган.

Ҳиссиётларга оид яна бир концептуал метафора EMOTIONS ARE OBJECTS / ҲИССИЁТЛАР – ОБЪЕКТЛАР бўлиб, мазкур метафора инсоний туйғуларнинг моддий объект шаклида қабул қилинишини англатади.

You are designed mentally and emotionally in such a way that task completion gives you a positive feeling. (Eat that frog, P.12.)

The difference is that you get a tremendous feeling of pride and satisfaction from the completion of something valuable and significant (Eat that frog, P.31.)

To give (бермоқ), to get (олмоқ) каби феъллар орқали ҳиссиётларнинг ҳам нарса сингари берилиши ёки олинishi ифодаланади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Концептуал метафораларни таржимасининг стратегик тамойиллари”** деб номланган, мазкур бобда инглиз тилида яратилган шахсий ривожланишга оид ёзма дискурслардан таҳлилга тортилган метафораларнинг ўзбек тилига ўгирмаларида қўлланилган усуллар таҳлил этилган.

Таржима назарияси ва таржимашуносликда “метафоранинг сақланиш қонуни” тушунчаси шакллантирилган бўлиб, унга кўра таржимада метафорик образ иложи борича тўлиқ сақланиши керак. Ушбу қонунга риоя қилмаслик метафорик иборанинг маъноси ўзгаришига, унинг эстетик ва прагматик таъсирининг пасайишига олиб келади. В.Н.Вовк таъкидлаганидек, аслият манбасидаги метафораларнинг тушириб қолдирилиши муаллиф интенсиясини “бузишнинг жиддий ва жуда кенг тарқалган воситасидир”.

Т.Р.Левицкая ва А.М.Фитерман метафораларни тўғридан-тўғри ёки сўзма-сўз таржима қилганда таржима қилинган тилда мутлақо бегона тасвир яралади, шундай экан, бундай вазиятларда метафораларни нометафорик изоҳлаш орқали таржима қилиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашган¹⁶.

